

УЎК (УДК, UDC): 82-311.4
DOI: 10.36078/1564998310

“ШАМОЛ ОРТИДАН ЮГУРИБ” РОМАНИДА БОЛАЛИК ПЕРСПЕКТИВАСИ



Дилноза Раматжановна РУЗМАТОВА

2-босқич таянч докторанти

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

dishemu2017@gmail.com

Аннотация

Афғонистонда туғилган америкалик ёзувчи Холид Хусайнийнинг “Шамол ортидан югуриб” романи бош мавзуси – болалар ва болаликдир. Ёзувчи мазкур муаммони перспектив, яъни ҳақиқатда қандай кўринса, худди шундай тасвирлаган. Асардаги воқеалар, асосан, бош қахрамонларнинг болалик даврларида содир бўлади ва ёзувчи Афғонистон ҳақидаги ҳақиқатларни болалар нигоҳи билан тасвирлашни мақсад қилиб олади.

Калит сўзлар: болалар; болалик; Афғонистон; Америка; перспектив; пуштун; ҳазора; уруш; толибонлар; роман; қиш; варрак.

ПЕРСПЕКТИВА ДЕТСТВА В РОМАНЕ «БЕГУЩИЙ ЗА ВЕТРОМ»

Дилноза Раматжановна РУЗМАТОВА

Докторант 2курса

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

dishemu2017@gmail.com

Аннотация

Дети и детство – главная тема в романе американского писателя афганского происхождения Халед Хоссейни «Бегущий за ветром», и он перспективно изобразил эту проблему именно так, как она существует в реальной жизни. События в произведении произошли в период детства главных героев, так как автор хотел показать реальность об Афганистане глазами детей.

Ключевые слова: дети; детство; Афганистан; Америка; перспектива; Пуштун; Хазара; война; Талибан; роман; зима; воздушный змей.

CHILDHOOD PERSPECTIVE IN THE NOVEL “THE KITE RUNNER”

Dilnoza Ramatjanovna Ruzmatova

Second year PhD student

Uzbekistan State World Languages University

Tashkent, Uzbekistan

dishemu2017@gmail.com

Abstract

Children and childhood are the main themes in “The Kite Runner” by Afghan born American writer Khaled Hosseini and he perspectivevely depicted this problem namely as it is shown in real life. The events in the story occurred in childhood period of the main characters as the author wanted to display the reality on Afghanistan through the eyes of the children.

Key words: children; childhood; Afghanistan; America; perspective; Pashtun; Hazara; war; Talibans; novel; winter; kite.

“Перспектива” (лот. *perspicere*) сўзи лотин тилидан француз тилига кириб келган, у “ич-ичидан кўрмоқ”, “синчиклаб қармоқ” деган маъноларни англатади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилишича, перспектива сўзи *келажакдан кутилган ёки келажакда амалга оширилиши кўзда тутилган мақсад, ният, режа* ва шунингдек, *кузатиш нуқтасидан узоқлик даражасига кўра ҳақиқатда қандай кўринса шундай тасаввур берадиган тасвир* (2, 248) маъноларини англатади.

Холид Ҳусайний романларини уч перспективага ажратиб ўрганиш мумкин: оила, аёллик ва болалик. Болалик перспективаси ёзувчининг “Шамол ортидан югуриб” (“The Kite Runner”) асарида ўз аксини топган, Ҳусайнийнинг ушбу муаммони нафақат Афғонистон мисолида, балки бутун ҳамжамият кўламида тасвирлаши ёзувчининг юксак маҳоратидан далолат беради.

Ҳусайний ижодида учта перспектива: *оила, аёллик ва болалик* Афғонистонда *урушдан олдинги, уруш ва урушдан кейинги даврларда* қандай бўлса, шундайлигича объектив равишда умумлаштирилган.

Ҳусайнийнинг “Шамол ортидан югуриб” романида биографик элементлар қўлланган, ёзувчи асардаги болаликни ўзи гувоҳи бўлган воқеаларга асосланиб, ўзига хос услубда ёритади. Муаллиф услубининг ўзига хослиги шундаки, болалар ва болалик асарнинг асосий ғояси бўлса-да, аммо болаларга хослик ва беғуборлик ўрнини ҳаёт машаққатлари натижасида увол бўлган болалик дунёси эгаллайди. Афғонистон фарзанди бўлган ёзувчи ўз ватанини севиши, унга битмас-туганмас тинчлик тилаши асар адабий аҳолисининг эзгу орзуси сифатида образли ифодаланади.

Ретроспекция усули орқали бош қахрамон Амирнинг болалик хотираларини эслаб, отаси билан Афғонистондаги нотинчлик сабаб Америкага келганлиги ва айнан ўша нотинчликнинг давом этиши оқибатида яна юртга қайтиш зарурати романнинг мазмун-моҳиятини белгилайди. Асардаги асосий воқелик персонажларнинг болалик даврлари, болаликни қўмсаш, тинч

Афғонистонни қўмсаш барча қаҳрамонларни бирлаштирадиган муштарак мақсад сифатида акс этади. Асар 2001 йил декабр ойида Амирнинг 26 йил муқаддам содир бўлган воқеаларни эслаши билан бошланади, аммо ромanning ўзи 11 сентябрь террор ҳужумидан олдин ёзилган ва унинг чоп этилишига айнан шу воқеалар асосий омил бўлган.

Асарни ёзувчи қиш кунлари содир бўлган машъум ҳодисани эслаш билан бошлайди. Маълумки, поэтик деталлар асарда маълум бир мақсад билан қўлланади, айнан қиш мавсуми романда иккита маъно: ижобий ва салбий бўёқдорлик учун хизмат қилади. Биринчиси, ижобийлиги “қиш” афғон болалари томонидан 70-80 йилларгача жуда катта хурсандчилик билан қарши олинган, барча болалар то қиш тугагунча мактабга боришмаган, қишки таътилнинг бош мавзуси “варрак” мусобақаларида фаол иштирок этишган. Ана шундай мусобақаларнинг Афғонистон тарихидаги энг сўнггисиде Амир ҳам Ҳасан билан биргаликда ғолибликни қўлга киритади ва отаси Бобонинг ишончини оқлаб, уни ота сифатида фарзандидан ғурурланиш шарафига муяссар этади. “... Қиш. Биринчи қор ёққан тонгда мен ҳаммадан илгари уйғонар, совқотган қўлларимни куҳ-куҳлаб ётоқ кийимим билан ҳовлига чиқардим. Ҳовлимиз, томларимиз, отамнинг машинаси, ҳамма-ҳаммаси қорнинг оппоқ оппоқ, қалин кўрпаси остиде бўларди. ... Қобуллик болалар қишини интиқлик билан кутарди. Айниқса, уйингда шинамгина чўян печка қурилган бўлса! Хурсандчиликка яна бир сабаб совуқ кунлари болаларга таътил бериларди. ... Яна қиш афғон болалари учун варрак учирини мавсуми саналади (1, 303). ...Ҳар йили қишда Кобулда туманлар бўйича варраклар мусобақаси ўтказиларди (1, 304).

Адабий тимсол сифатида “қиш” – беғубор болалик, варраклар бемалол учадиган мусаффо осмонга эга тинч юрт маъносини англатмоқда. Бунда “қиш” тимсоли ичига асарнинг яна бир бадиий ютуғи – “варрак” тимсолини ҳам олмоқдаки, у “дўстга содиқлик ва ўз ўрнида ягона, содиқ дўстини сотиш, ота-ўғил ишончи, ота-ўғилни ва ака-укани (аслида, бу ришталарнинг борлиги асар охирида аён бўлса-да) бир-биридан айириш каби бир қатор маъноларда келади. Иккинчиси, “қиш”нинг салбийлиги шундаки, у азалий ва доимий анъаналарга, кўра тушкунлик, ўлим, уруш, айрилиқ фасли сифатида қўлланади. Ҳусайний ҳам мазкур анъаналарни четламасдан, адабий қонуниятларга бўйсунган ҳолда Афғонистон учун туганмас “қиш” фасли бошланганлигини, мазкур қиш бошқа баҳорга ўз ўрнини бўшатиб беролмаслигини исботлайди. Афғонистонда абадий қиш. Бу ўлкага энди баҳорлар қайтмайди, осмонида варраклар парвоз этмайди. “Қиш” – юртга толибонлар кириб келган совуқ фасл, Афғонистон – эркини

йўқотган изғирин фасл. Қиш бу ўлкада баҳорда ҳам, ёзда ҳам ҳукмдор, узлуксиз давом этаверади: *“Март, 1981 йил. ... Юк машинасининг кузовидан ўрин олган 10-12 нафар йўловчи орасида мен билан отам ҳам бор эдик. Биз Қобулдан тунги соат учда чиққандик. ... Хуллас, ҳаёт буткул издан чиққанди. Мен эса, жарлик лабида ўтирганча, ҳамон ўқчирдим. Мен ярим кечаси, куннинг совуғида ўз уйимдан юзлаб чақирим йироқдаман. Балки бу ҳаммаси тушдир? Эрталаб ўзимизнинг тинч-хотиржам уйда кўзимни очаман (1, 337). ... Бир ҳафтача ертўлада қолиб кетдик. Ертўла каламуш билан лиқ тўла экан. Кўзлар қоронғига ўрганганида, ертўладаги одамларни санаб чиқдим. Чамаси ўттизтача бор эди. Елкама-елка ўтириб, қотирма, нон, ёнғоқ, олма сингари ўзимиз билан олиб келган егуликларни қисматдошларимиз билан баҳам кўрардик” (1, 341). Бундан ҳам аянчлисиди: *“Шу чоқ ёнгинамиздан даҳшатли чинқириқ янгради. Кимдир “бензиндан заҳарланибди”, деди. Издиҳом ўртасида чўккалаб ўтириб олган бечора ота Камолнинг жонсиз танасини қучганча, унинг кулранг юзларидан пайдар-пай ўпарди. ... Ҳеч ким қимирлашга-да, журъат этолмасди. Камолнинг отаси тўппончанинг дўлини оғзига тикди-да, тепкини босди. Ўқ овози ва атрофга сочилган қон фаввораси бир умр ёдимда қолди. Икки букилганча ўтириб қолдим” (1, 343).**

Асарда болалик уч нафар қаҳрамон ҳаётида ўз чизгиларини топади. Амир, Ҳасан ва Суҳроб тақдири Афғонистон болаларининг типик умумлашмаси ҳисобланади. Бобо Амир билан Ҳасанни ҳам бу машъум юртдан олиб кетишга қанча ҳаракат қилса-да, афсуски у ноилож эди. У елкасидаги аслида Ҳасаннинг отаси эканлиги ҳақидаги ҳақиқат юкини кўтариб юришга маҳкум эди. Болалигидан маҳрум фарзандларининг келажаги учун айбдорлик ҳисси Бобони то ўлимига қадар тинч қўймаганлиги, касалига докторлар берган дориларни қабул қилмасдан нафақат руҳан, балки ўзини жисман ҳам азоблаши Бобо персонажини англаш учун асосий омил ҳисобланади.

Амир ва Ҳасан бир хил тақдир эгалари бўлиб, улар она меҳрига тўймаган фарзандлар. Амирнинг онаси тўлғоқ пайтида кўп қон йўқотиш сабаб вафот этган. У ҳар доим падари олдида ўзини уни севикли аёлидан ажратган одам сифатида айбдор ҳис қилади ва отасига қараганда унинг дўсти Раҳимхон билан суҳбатлашишни, маслаҳатлашишни афзал кўради. *Ҳасан эса бир ҳафталик чақалоқлигида онасидан айрилган. Йўқ, Санобар ўлмаган, аммо ундан баттарроқ бўлган: саёқ масхарабозлар тўдасига қўшилиб, қочиб кетганди (1, 281). Аммо Али унга ҳар бир ота бериши мумкин бўлган меҳрни бера олди. Ҳазорий ота-бола жуда иноқ яшар, биргаликда намоз ўқишар, пуштун ота-бола Бобо ва Амирга Ҳасанга ноҳақ ўғри тамғаси қўйилгунча итоаткорона хизмат*

қилишарди. Али ҳамма нарсага чидади кўчадаги болаларнинг “бабалу” (алвасти) деган эрмакларига ҳам, ҳатто Санобарнинг “Мана, сенга ўзингга ўхшаган аҳмоқ бола! ... Ол, энди у ҳам сенинг устингдан қулиб юрсин!”(1, 285) деган иддаоларига ҳам, бироқ беайб Ҳасанни ўғри деб гумон қилишларига чидай олмади. Томирида ўз қони оқмаса-да, Ҳасан Али учун чин маънодаги фарзанд эди.

Амир ва Ҳасанни ажратиб турувчи битта фарқ – бу уларнинг бошқа-бошқа этник гуруҳга мансублиги эди. Амир олий насаб – пуштун, Ҳасан –қуйи табақа – ҳазора. Бу мамлакатда ҳатто болалар ҳам кастачиликка амал қилишади. Бир куни Амир онасидан қолган китоблар орасидан Эрон тарихи бўйича ёзилган манбани топиб ўқийди. Битта китобнинг бутун бир боби ҳазоралар тарихига бағишланганлигидан ҳайратланади: “Бутун бир боб Ҳасаннинг одамларига бағишланган экан! Ўқишимча, менинг одамларим, пуштунлар ҳазораларни таъқиб қилишган ва эзишган... XIX асрда ҳазоралар пуштунларга қарши бош кўтаришган, аммо пуштунлар тасаввур қилиб бўлмайдиган зўравонликлар билан бостиришган. Китобда айтилишича, менинг одамларим ҳазораларни қириб ташлашган, ўз юртидан ҳайдашган, уйларини ёқиб юборишган ва аёлларини сотишган (3, 8).

Ҳасан ва унинг қондош бўлмаган отаси Али бир нарсани яхши билишарди, Оллоҳ барчани бирдек тенг қилиб яратган. Асар охирида барча сирларнинг очилиши, аслида, Ҳасан ҳам пуштун, у ҳам барча ҳурмат қилган Бобонинг фарзанди эканлиги бу жамиятнинг нақадар чириб кетганлигига ишора эди. Айнан инсоний фазилатларга йўғрилган асар қаҳрамонларининг қатъий тақдир зарбаларига дуч келишини кузатгач, китобхон онгида бахтли яшашга ҳақлилар Али, Ҳасан ва Сухроб-ку, деган нидо отилиб чиқади.

Ҳасан ўғлига “Шохнома” қаҳрамони Сухроб исмини кўйди. Бошиданок ўғлини саводли бўлишига ҳаракат қилди ва Сухробдаги зехнни кўриб жуда фахрланди. Аммо Сухроб тақдири Амир ва Ҳасанникидан ҳам аянчлироқ эди. Бечора Сухробнинг ота-онасини толибонлар отиб ташлашади, ўзини болалар уйига жўнатишади ва бу ҳам етмагандек толибонлар бошлиғи Асефнинг кўнглини хушлаш учун “туҳфа” қилишади. Бола доим ўзини тинмай айблар, барча кўргуликлар сабабчиси деб ўзини санарди ва ҳатто жонига қасд қилиш ўша етимхонага қайтиш ҳамда толибларга “туҳфа” қилинишдан афзаллигини ўз ҳақиқатига айлантирган эди. Ёш жиҳатидан асарнинг энг кичкина қаҳрамони Сухроб бўлса-да, заковатда ундан-да юқори турадиган персонажни топиш қийин. Айниқса, Амир билан бўлган қуйидаги суҳбати фикримизни исботлайди:

Амир: *Ота-онангни соғиндингми?...*

Суҳроб: *Сиз-чи, сизам соғинасизми?*

Амир: *Мен онамни кўрмаганман. ...Отам эса, бир неча йил олдин вафот этди. Албатта, соғинаман. Баъзан тушларимга кириб чиқади. Ҳатто ҳиди ҳам димоғимдан кетгани йўқ. ...*

Суҳроб: *Мен ота-онамнинг қиёфаларини эсдан чиқаряпман. Бу ёмон-а?*
(1, 438)

Бу саволга на Амир ва на асардаги бошқа қаҳрамон жавоб бера оларди. Жажжи вужудида катталар кўтара олмаган юкни опичлаган Суҳроб характери чин маънода ёзувчининг топилмаси эди.

Болалар уйига келиб қолганлар омадлилар саналарди, чунки уларнинг ётишга жойи, ейишга озгина бўлса-да нони бор эди. Ота-оналар фарзандлари тирик қолиши учун уларни шу ерга олиб келар, жойлаштира олсалар, ўзларини бахтиёр санардилар. Фарзандини кўрмаса ҳам майли, тириклигини билиб турса бас. *Худо қарзаган мамлакатдан қочиб* (1, 406) кета олмаган Болалар уйи директори Замон Афғонистонда болаликдан маҳрум болалар яшаётганлиги ҳақида шундай дейди:

Гуручимиз шу ойнинг охиригача етмаса керак. Кейин болалар чой-у нон билан қолишади. Уни ҳам икки маҳал ейишади, холос. Эрталаб ва кечқурун. Бу болаларни бола дейишга ҳам тилинг бормайди. Улар аллақачон болалик билан видолашишган. Ҳали бу болаларнинг омадини чопгани. Ҳар куни олдимга аёллар ўз боласини бошлаб келади. Мен эса, уларни қайтаришдан бошқа чора тополмайман (1, 434). ... *Бу ерга ойда бир ёки икки марта олий рутбали толиблардан бири келиб туради. Бир оз пул бериб, эвазига биронта қизчани опкетади. Баъзида ўғил болаларни ҳам* (1, 405).

Асар воқеалари асосан бадиий макон – Америка ва Афғонистонда содир бўлган ва Афғонистон ва Америка ўртасидаги миграция йўналишини кўйидагича чизиш мумкин:

Амир + Бобо (Афғонистон) -----→ (Америка)

Бобо барча мол-мулкидан воз кечиб Амирнинг тинчлиги, унинг келажаги учун Америкага кетади.

Суҳроб (Афғонистон) ←----- (Америка) Амир

Раҳимхондан ҳақиқатни, яъни Ҳасан билан ака-ука эканлигини эшитган Амир жияни Суҳробни толибонлардан қутқариш учун Афғонистонга келади.

Амир + Суҳроб (Афғонистон) -----→ (Америка)

Амир Суҳробни қутқариш учун болаликдаги дўсти Ҳасан билан иккаласининг рақиби толибон Асефнинг қалъасига келади, аммо Амир нафақат

Суҳробни, балки ўзини ҳам қутқаришга кучи етмайди. Суҳроб, худди бундан 26 йил аввал отаси Ҳасан Амирни рогаткаси ёрдамида қутқаргандек, Асефнинг кўзига рогаткада стол зўлдирини жойлаб, Амирни қалъадан олиб чиқиб кетади. Болани Америкага олиб келиш билан боғлиқ ҳужжат ишлари мураккаб жараёнларга сабаб бўлса-да, Амир Суҳроб билан уйига, сеvimли рафиқаси Сурайё ёнига етиб келади. Энди улар биргаликда варрак учиришар, худди бир пайтлари Ҳасан билан Амир варрагини узоқларга парвоз қилдиргандек. Аммо ватандан олисда, гарчи тинчлик бўлса-да, улар ўз туғилиб ўсган юртларини қўмсардилар.

“Афғонистонда болалар кўп, аммо болалик йўқ”. Қачондир эшитганим – шу жумла қулогим остида жаранглади (1, 438). “Шамол ортидан югуриб” романида Афғонистонда толибонлар ҳукмронлиги, уруш даврида болалик перспективаси ажал билан олишиб яшаётган болакайлар тимсолида тасвирланган. Холид Ҳусайний афғон болалари ҳам дунёнинг бошқа болалари каби тинч яшашга ҳақли эканлигини бадиий усулда исботлай олди-ю, аммо қачон башарият бу ҳақиқатни фаҳмлай оларкан? Демак, Афғонистонда содир бўлган ва ҳозирда ҳам юз бераётган воқеалар ёзувчини бефарқ қолдирмаганлиги, дунёнинг кўплаб мамлакатларида адабиётшунослар ҳамда китобхонлар томонидан Ҳусайний романларининг қизиқиш билан қабул қилинганлиги жаҳон адабиётшунослигида афғонлар ва Афғонистон мавзусини ўрганиш заруратини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳусайний Холид. Минг қуёш шуъласи. Роман. /Гаржимонлар Рустам Жабборов, Мунира Норова. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 688 б.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 2007. – 687 б.
3. Hosseini Khaled. The Kite Runner. – New York: Riverhead Books, 2003. – P. 371

REFERENCES

1. Hosseini Khaled. *Ming quyosh shu'las* (A Thousand Splendid Suns), Novel, Tashkent: Yangi asr avlodi, 2017, 688 p.
 2. *Uzbek tilining izohli lugati* (Definitional dictionary of the Uzbek language). Vol. Third. Tashkent: Uzbekiston milliy entsiklopediyasi, 2007, 687 p.
 3. Hosseini Khaled. The Kite Runner. New York: Riverhead Books, 2003, 371 p.
- УЎК (УДК, UDC): 008(4)